

**Ўзбекистон Фанлар академияси
Давлат ва ҳуқуқ институти**

М.Х. БАРАТОВ

**Фуқаролик ҳуқуқи айрим
субъектларининг ҳуқуқий мақоми:
воқелик ва истиқболлар**

/монография/

Тошкент – 2022

**Ўзбекистон Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институтининг
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (2022 йил 21 декабрь,
7-сон баённома).**

УДК: 347.1(575.1)

Фуқаролик ҳуқуқи айрим субъектларининг ҳуқуқий
мақоми: воқелик ва истиқболлар. – Т.: Давлат ва
ҳуқуқ институти, 2022. 156 б.

Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, профессор
О. Оқюлов

Тақризчилар: юридик фанлар доктори, профессор
В.Р. Топилдиев
юридик фанлар доктори, профессор
Н.Х. Раҳмонқулова

Монографияда фуқаролик ҳуқуқининг айрим субъектлари – юридик шахслар ва давлатнинг субъектлилиги (ҳуқуқ ва муомала лаёқати)га бағишиланган бўлиб, унда оиласнинг ҳуқуқ субъекти бўлиши масаласи, нотижорат ташкилотларнинг жавобгарлигини белгилаш, корпоратив тижорат юридик шахслари фаолияти, Конституциявий ислоҳотлар жараёнида фуқаролик ҳуқуқи субъектлари мақомини такомиллаштириш, юридик шахслар жавобгарлиги, Янги Ўзбекистон шароитида давлатнинг фуқаролик ҳуқуқи субъектлари тизимида тутган ўрни, давлатнинг мулкий-ҳуқуқий субъектлиги, давлатнинг деликт муносабатлардаги иштироки муаммолари, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни давлатга нисбатан қўллаш масалалари тадқиқ этилган.

Нашр юридик таълим вакиллари, тадқиқотчилар, ҳуқуқни қўлловчилар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Мундарижа

Кириш	4
I боб. Фуқаролик ҳуқуқи айрим субъектларининг ҳуқуқий мақомига доир	9
1.1-§. Оила ҳуқуқ субъекти бўла оладими?	9
1.2-§. Корпоратив тижорат юридик шахслари фаолияти масалалари: корхоналар мисолида	17
1.3-§. Конституциявий ислоҳотлар жараёнида фуқаролик ҳуқуқи субъектлари мақомини такомиллаштириш масалалари: фермер хўжаликлари мисолида	32
1.4-§. Нотижорат ташкилотларининг жавобгарлигини белгилаш: воқелик ва истиқболлар	41
1.5-§. Юридик шахслар жавобгарлиги: доминант – Фуқаролик кодексими ёки Жиноят кодекси?	55
II боб. Давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий субъектлигига доир	68
2.1-§. Янги Ўзбекистон шароитида давлатнинг фуқаролик ҳуқуқи субъектлари тизимида тутган ўрни: воқелик ва истиқболлар	68
2.2-§. Давлатнинг мулкий-ҳуқуқий субъектлигига доир	76
2.3-§. Давлатнинг деликт муносабатлардаги иштироқи муаммолари: такомил сари	113
2.4-§. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни давлатга нисбатан қўллаш: муаммолар ва ечимлар	129
Хуроса	147
Фойдаланилган адабиётлар	151

Кириш

Барча ҳуқуқий муносабатларда бўлгани каби фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ҳам ушбу ҳуқуқий муносабатларнинг объекти, субъекти ва мазмунидан иборат бўлиб, айтиш мумкинки, ҳар бир компонент бир-бирини тўлдириб туришга хизмат қилади. Ҳуқуқ объектлари ҳуқуқ субъектларининг хатти-ҳаракатлари қаратилган нарсалардир. Иқтисодчилар тили билан айтганда, қайсики иқтисодий муносабатларнинг предмети бўла оладиган нарсалардир. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига кўра, фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг муомалада бўлиши ўзига хос ҳусусиятларга эгадир. Яъни, фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари: *эркин муомаладаги* (олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, умуман, шартномавий муносабатларнинг предмети бўла оладиган объектлар); *муомаладан чиқарилган* (ер, ер ости бойликлари каби) объектлар; *муомалада бўлиши чекланган* (айрим фарммаҳсулотлар) обьект турлари фарқланади. Булар ҳақда мамлакатимизда бир қатор тадқиқотлар олиб борилган¹.

Субъектларнинг у ёки бу жиҳатларига доир тадқиқотлар ҳам талайгина².

¹ Ҳ.Раҳмонқулов. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари. –Тошкент: ТДЮИ, 2009; Қ.Мехмонов. Компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори диссертацияси. –Тошкент: 2018; О.Оқюлов, Д.М.Караходжаева, Б.Н.Тошев, И.И.Насриев, Н.Ф.Имомов. Уй-жой ҳукуки. Дарслик. –Тошкент: ТДЮИ, 2012; Ф.Т.Буранов. Правовые проблемы использования и охраны вод Республики Узбекистан: Юрид. фан. номз. дисс. ...Автореферати. –Тошкент: 2010; Ш.Ш.Бакаев. Давлатга қарашли турар жойларни ҳусусийлаштиришни фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. дисс. ...Автореферати. –Тошкент: 2012; Р.Хонназаров. Номоддий неъматларга етказилган зарарни ундиришнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. дисс. ...Автореферати. –Тошкент: 2012; А.А.Аманов. Ахборот хизмати кўрсатиши фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори дисс... –Тошкент: 2018; И.Б.Якубова. Ўзбекистон ва Япония қонунчилигида шахсий номулкий ҳуқукларни фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза килиниши: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори дисс... –Тошкент: 2019; О.Ж.Холмўминов. Ер участкаларидан фойдаланишни фуқаролик- ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори дисс... –Тошкент: 2020.

²Ҳ.Раҳмонқулов. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. –Тошкент: ТДЮИ, 2009; М.М.Камалов. Правовой статус транснациональных корпораций: Юрид. фан. номз. дисс. ...Автореферати. –Тошкент: 2010; Д.Б.Джураев. Деловая репутация юридических лиц и проблемы ее гражданско-правовой защиты: Юрид. фан. номз. дисс. ...Автореферати. –Тошкент: 2010; Д.А.Чиниев. Гарантии осуществления права собственности в Республике Узбекистан: Юрид. фан. номз. дисс. ...Автореферати. –Тошкент: 2010; Ю.Б.Саипова. Правовой режим недвижимости как имущественной основы предпринимательской деятельности: Юрид. фан. номз. дисс. ...Автореферати. –Тошкент: 2010; Т.Т.Мадумаров. Микрокредит ташкилотларининг фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш: юридик фанлар доктори дисс... –Тошкент: 2019; Х.М.Қиличев. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик- ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори дисс... –Тошкент: 2020; Э.О.Хомидов. Давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий

Фуқаролик-хуқуқий муносабатлар мазмунига доир бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди¹.

Амалга оширилган таҳлиллар шуни қўрсатадики, мамлакатимиз цивилистлари томонидан фуқаролик-хуқуқий муносабатларнинг субъектлари, объектлари ва мазмунига доир бир қатор ишланмалар мавжуд. Ушбу тадқиқотларда илғор ғоялар, кун мавзусига доир муайян илмий-назарий, амалий ечимлар берилган.

Бильякс, тадқиқот муаллифи узоқ йиллардан буён фуқаролик хуқуқининг субъектларига доир изланишлар олиб боради. Айниқса, давлатнинг субъектлилиги масаласида.

Ушбу тадқиқот ҳам қивил хуқуқининг айрим субъектлари – юридик шахслар ва давлатнинг субъектлилиги (хуқуқ ва муомала лаёқати)га бағищланган. Хусусан, тадқиқотнинг биринчи бобида унда оиланинг хуқуқ субъекти бўлиши масаласи, нотижорат ташкилотларнинг жавобгарлигини белгилаш, корпоратив тижорат юридик шахслари фаолияти, юридик шахслар жавобгарлиги масалалари ўрганилади. Иккинчи бобда Конституциявий

тартибга солиш: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори дисс... –Тошкент: 2020; А.А.Ахроркулов. Нотижорат ташкилотларнинг фуқаролик-хуқуқий мақомини такомиллаштириш: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори дисс... –Тошкент: 2022; У.Ҳажиев. Корхона фуқаролик-хуқуқий муносабатлар объекти сифатида: назарий ва амалий ечимлар: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори дисс... –Тошкент: 2022; Д.Б.Рахимов. Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-хуқуқий таъминлаш: юридик фанлар доктори дисс... –Тошкент: 2022; Н.А.Ашуррова. Тадбиркорлик субъектлари мулкий асосларининг хуқуқий режими: юридик фанлар доктори дисс... –Тошкент: 2021; О.С.Нарзиев. Ўзбекистонда капитал бозорининг хуқуқий тизимини такомиллаштириш масалалари: юридик фанлар доктори дисс... –Тошкент: 2022; Н.А.Кулдашев. Ички ишлар органлари деликт муносабатлар субъекти сифатида: юридик фанлар доктори дисс... –Тошкент: 2022.

¹С.С.Бозаров. Ўзбекистон Республикаси эркин иктисодий зоналарида тадбиркорлик фаолиятини хуқуқий тартибга солишини такомиллаштириш: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори дисс... –Тошкент: 2018; М.Э.Бобоҷонов. Қимматли қоғозлар воситасида тузиладиган репо битимларини кўллашнинг фуқаролик-хуқуқий таъминлаш масалалари: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори дисс... –Тошкент: 2018; Б.Б.Худайбергенов. Банкротлик таомили сифатида суд санациясини такомиллаштириш: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори дисс... –Тошкент: 2019; У.К.Нуруллаев. Учинчи шахсларнинг фуқаролик-хуқуқий шартномавий муносабатларида иштирокининг ўзига хос хусусиятлари: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори дисс... –Тошкент: 2019; Л.И.Ачилова. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига меҳмонхона хизматлари кўрсатишни хуқуқий тартибга солиш муаммолари: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори дисс... –Тошкент: 2020; Ҳ.М.Воҳидов. Даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар ва уларнинг хуқуқий оқибатлари: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори дисс... –Тошкент: 2020; А.А.Каримов. Фуқаролар соғлигини саклашнинг фуқаролик-хуқуқий нормалар воситасида таъминлаш масалалари: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори дисс... –Тошкент: 2020; Ф.Б.Зайнобиддинова. Инвестиция шартномаларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни фуқаровий-хуқуқий тартибга солишини такомиллаштириш масалалари: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори дисс... –Тошкент: 2021; Б.Р.Топилдиев. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини такомиллаштириш: юридик фанлар доктори дисс... –Тошкент: 2020; Б.М.Ҳамроқулов. Маънавий зиённи қоплаш асосларини такомиллаштириш: юридик фанлар доктори дисс... –Тошкент: 2020; В.Р.Топилдиев. Ташкилий муносабатларни фуқаролик хуқуқий тартибга солиш: юридик фанлар доктори дисс... –Тошкент: 2021.

ислоҳотлар жараёнида фуқаролик ҳуқуқи субъектлари мақомини такомиллаштириш, Янги Ўзбекистон шароитида давлатнинг фуқаролик ҳуқуқи субъектлари тизимида тутган ўрни, давлатнинг деликт муносабатлардаги иштироки муаммолари, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни давлатга нисбатан қўллаш масалалари тадқиқ этилган.

Фикримизча, такомиллашиб, тобора чукурлашиб бораётган замонамиизда фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг субъектлилик масаласи тадқиқотчиларнинг диққат марказидан тушгани йўқ. Хусусан, бутун бошли оилани ҳуқуқ субъекти дейиш мумкинми? Юридик шахслар жавобгарлиги масаласида янгича ёндошувлар пайдо бўлмоқда. Шу маънода бу соҳани тартибга солишда устуворлик қайси қонунчилик тармоғига: фуқаролик қонунчилигигами ёки жиноят қонунчилигига бериладими мазмунидаги саволлар туғилди.

Тан олиш керак, узоқ йиллар мобайнида давлатнинг ижтимоий вазифаси – муайян давлат ҳудудида яшаб, истиқомат қиласиган барча миллатлар, элатлар ва этник групкалар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида жипслик, аҳиллик ва хавфсизликни таъминлашдан иборат бўлиб келди.

Ўтган 2017 – 2021 йилларда амалга оширилган Ҳаракатлар стратегияси даврида тўпланган тажриба шуни кўрсатдики, эндиликда давлатнинг вазифаси сифат, мазмунан ва шаклан ўзгармоқда. Бугунги рақобат дунёси, инвестициявий жозибадорлик эндиликда фалсафанинг ўша машҳур категорияси – миқдор кўрсаткичлари ўз ўрнини – сифат кўрсаткичларига бўшатиб беришини талаб этмоқда.

Эндиликда давлатнинг вазифаси давлат хизматлари сифати ва жамият билан ўзаро ҳамкорлик самарадорлигига эришиш учун бошқарувнинг барча даражаларида ресурслар ва кўниқмаларни сафарбар этиш ва бирлаштиришдан иборат бўлиши лозимлигини давр тақозо этмоқда. Бугунги ислоҳотлар фонида давлат бошқарувида давлат бошқаруви органлари

фаолиятини “фуқарога хизмат қилишга йўналтириш”да очиқлик (давлат хизматчиларининг ҳисобдорлиги, бюджет шаффоғлиги, ахборотнинг очиқлиги, фуқаролар ва ОАВнинг ахборотдан фойдаланиш очиқлиги) жуда муҳим.

Ҳокимиятга ишонч (парламент/ҳукумат/суд) муҳим. Шу маънода ўзида “инсон қадри учун”, “давлат – инсон учун” ғояларни моддийлаштиришга йўғрилган Ҳаракатлар стратегиясидан – Таракқиёт стратегияси сари қадамлар қўйилган дамларда давлатнинг субъектлилигини ўрганиш, унинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Манбаларда давлатнинг оммавий ҳуқуқ, хусусан, халқаро-ҳуқуқий субъектлилиги бирмунча тадқиқотлар марказида бўлган. Бироқ давлатнинг хусусий-ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатидаги иштироки масаласи ҳаминқадар. Хоҳлаймизми-йўқми, давлат ижтимоий-сиёсий тузилма сифатида ҳуқуқнинг бошқа субъектларига қараганда, бирмунча ўзига хосликларга эга.

Фуқаролик ҳуқуқининг субъекти ҳисобланган ҳар қандай шахс (жисмоний ва юридик шахс, шу жумладан, давлат) фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг субъекти ҳисобланади¹. Давлат ҳам фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари каби фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик субъекти сифатида бошқа шахсларга етқазилган зарарни қоплаши, ўз зиммасидаги мажбуриятни бажармаганда белгиланган неустойкани тўлаши лозим бўлади.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари шакллана бошлиган пайтдан бошлаб, давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги мавқеи сезиларли даражада ўзгарди. Эндиликда давлат ҳам у ёки бу муносабатларда муайян жавобгарлиги қузатилмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш, камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган бозор иқтисодиётини

¹ Эгамбердиева Н. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари. –Тошкент: ТДЮИ, 2007. 34-б.

шакллантириш тадбирлари изчиллик билан амалга оширила бориб, бугунги кундаги “Таркибий ислоҳотларнинг яна бир йўналиши бу – давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтиришдир”¹. Албатта, бундай ҳолат мамлакат ривожланишининг иқтисодий омиллари билан узвий боғлиқдир.

Шу нуктаи назардан қараганда, мазкур ишларни амалга оширишнинг, иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишнинг “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантаришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”² асос қилиб олинган бўлиб, ўтган йиллар мобайнида тизимли амалга оширилган ислоҳотлар унда назарда тутилган тамойилларга таянди. “Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бериш тартибини такомиллаштириш” Тараққиёт стратегиясида:

- давлат кафолатини Молия вазирлиги хulosаси асосида бериш;
- давлат кафолати учун тўловни хатарлар даражасидан келиб чиқсан ҳолда белгилаш;
- давлат кафолати тақдим этишда корхоналарига молиявий шарт ва талабларни белгилаш тартибини жорий этиш назарда тутилмоқда³.

Тадқиқот қайд этилган ушбу масалаларга бағишлиланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (29.12.2020) // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

² // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида” 28.01.2022 йилдаги ПФ–60-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 йил, 06/22/60/0082-сон. URL: <https://lex.uz/uz/docs/5841063>.